

«ТАСДИҚЛАНГАН»

“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” mas’uliyati cheklangan jamiyati yagona ish-tirokchisining qarori bilan



Ушбу ҳужжатни ишончли вакили

Хаджаханова

2025 йил 31 июль

58-сон

«ТАСДИҚЛАНГАН»

“Leader Finance Capital” mas’uliyati cheklangan jamiyati (anderrayter)



Бош директор

М. Тиркашев

2025 йил 31 июль

ОБЛИГАЦИЯЛАР ЭМИССИЯСИ РИСОЛАСИ

“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” mas’uliyati cheklangan jamiyati

Идентификация рақами берилди:	R	U	3	0	4	Q	0	8	4	5	T	2
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган фоизли, ҳужжатсиз шаклда, номинал қиймати 100 000 (бир юз минг) сўмдан 250 000 (икки юз эллик минг) донa бўлган умумий қиймати 25 000 000 000 (йигирма беш миллиард) сўмлик корпоратив облигациялар.

Эмитент раҳбари:



Б. Ахмедов

Бош ҳисобчи:

Н. Ким

2025 йил 31 июль

РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАН УШБУ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ РИСОЛАСИДАГИ АХБОРОТНИНГ ТЎҒРИЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАР БЎЛМАЙДИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ФАКТИ БИЛАН ЖОЙЛАШТИРИЛАЁТГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА НИСБАТАН ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРМАЙДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ 61-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ТАНЛАШ ВА ШУНГА МУВОФИҚ УШБУ ТАНЛОВНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ИНВЕСТИОРНИНГ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИДИР.

ЖАМИЯТЛАР РИСОЛАДА КЕЛТИРИЛГАН БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР ИШОНЧЛИЛИГИ, ИНВЕСТИОРЛАРНИ ЖАМИЯТЛАР ВА УЛАР ЖОЙЛАШТИРАДИГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МАСАЛАСИДА ЧАЛҒИТМАСЛИГИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ.

1-боб. Жамият тўғрисида маълумот

1. Жамият номи.

Давлат тилида: “BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” mas’uliyati cheklangan jamiyati, “BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” MChJ.

Рус тилида: Общество с ограниченной ответственностью “BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI”, ООО “BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI”.

2. Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

а) бирламчи давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами: 2011 йил 16 ноябрда 006969-04-сон

б) давлат рўйхатидан қайта ўтиш санаси ва рақами: 2022 йил 20 июнда 006969-04-сон, 2022 йил 10 ноябрда 006969-04-сон, 2023 йил 2 июнда 1998020-сон, 2023 йил 10 ноябрда 1998020-сон, 2024 йил 12 февралда 1998020-сон, 2024 йил 1 июлда 1998020-сон

в) номи ўзгарган бўлса, аввалги барча қисқарган ва тўлиқ номлари, шунингдек, ўзгартирилган саналар кўрсатилади: жамият номи ўзгартирилмаган.

д) агар жамият юридик шахс (шахслар)ни қайта ташкил этиш натижасида ташкил топган бўлса, қайта ташкил этилган шахслар ва (ёки) жамиятларнинг вориси эканлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади: жамият юридик шахс (шахслар)ни қайта ташкил этиш натижасида ташкил топмаган.

3. Жамиятнинг жойлашган жойи, телефон ва факс рақамлари, расмий веб-сайт ва электрон почта маълумотлари: 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Боткина кўчаси, 8А-уй, +998 71 200-00-97, www.bizfin.uz, bizfin@umail.uz.

4. Жамиятнинг банк реквизитлари: "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Ўрта бизнес маркази, ҳ.р.: 2021 6000 0049 4321 8001, Банк коди: 00440, ИФУТ: 64 190 СТИР: 207 135 350.

5. Жамиятнинг солиқ органи номи ва СТИР: Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Давлат солиқ инспекцияси, 207 135 350.

6. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар: КТУТ: 23916138, ТхШТ: 152, МШТ: 142, ДБИБТ: 04063, МхОБТ: 1726290.

7. Рейтинглار мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар.

Жамиятга берилган рейтинг бўйича сўнгги 3 тугалланган ҳисобот йиллари учун:

а) рейтинг берилган объект (жамият, жамият қимматли қоғозлари): 2020 йил учун миллий шкала бўйича барқарор шкалага эга бўлган “кредитга лаёқатлилиқ” uzA, кредитга лаёқатлилиқ даражаси – барқарор (2021 йил сентябр ойида берилган).

2021 йил учун миллий шкала бўйича барқарор шкалага эга бўлган “кредитга лаёқатлилиқ” uzA+, кредитга лаёқатлилиқ даражаси – барқарор.

2022 йил якуни бўйича кредитга лаёқатлилиқ даражаси “uzAA-” - жуда юқори (2023 йил июль ойида берилган).

2023 йилнинг 6 ойи якуни бўйича жамият эмиссия қилган қимматли қоғозлари жозибadorлик даражаси uzAA - юқори.

2023 йил якуни бўйича кредитга лаёқатлилиқ даражаси “uzAA” - юқори (2024 йил сентябр ойида берилган).

2024 йилнинг 7 ойи якуни бўйича жамият эмиссия қилган қимматли қоғозлари жозибadorлик даражаси uzBBB – мақбул ва uzAA - юқори.

2025 йилнинг 6 ойи якуни бўйича ишончлилиқ ва кредитга лаёқатлилиқ даражаси “uzA+” – жуда юқори (2025 йил июл ойида берилган).

б) ҳужжатларни рўйхатга олиш учун рўйхатга олувчи органга тақдим этиш санасигача бўлган сўнгги 3 тугалланган ҳисобот йиллари учун рейтинг баҳоларининг ўзгариш тарихи: 2020 йил учун миллий шкала бўйича барқарор шкалага эга бўлган “кредитга лаёқатлилиқ” uzA, кредитга лаёқатлилиқ даражаси – барқарор (2021 йил сентябр ойида берилган). 2021 йил учун миллий шкала бўйича барқарор шкалага эга бўлган

“кредитга лаёқатлилиқ” uzA+, кредитга лаёқатлилиқ даражаси – барқарор. 2022 йил якуни бўйича кредитга лаёқатлилиқ даражаси “uzAA-” - жуда юқори (2023 йил июль ойида берилган). 2023 йилнинг 6 ойи якуни бўйича жамият эмиссия қилган қимматли қоғозлари жозибадорлик даражаси uzAA - юқори 2023 йил якуни бўйича кредитга лаёқатлилиқ даражаси “uzAA” - юқори (2024 йил сентябр ойида берилган). 2024 йилнинг 7 ойи якуни бўйича жамият эмиссия қилган қимматли қоғозлари жозибадорлик даражаси uzBBB – мақбул ва uzAA - юқори. 2025 йилнинг 6 ойи якуни бўйича ишончилиқ ва кредитга лаёқатлилиқ даражаси “uzA+” – жуда юқори (2025 йил июл ойида берилган).

в) рейтингни берган таъкилотнинг тўлиқ ва қисқарган номи, юридик ва почта манзиллари: “STANDARD AND SENSITIVE RATINGS” Рейтинг агентлиги масъулияти чекланган жамияти, “STANDARD AND SENSITIVE RATINGS” РА МЧЖ, юридик ва почта манзили: 100007, Тошкент шаҳар, Бўзбозор кўчаси, 5-уй.

“Ahbor-Reyting” Рейтинг агентлиги масъулияти чекланган жамияти, “Ahbor-Reyting” РА МЧЖ, юридик ва почта манзили: 100027, Тошкент шаҳар, Қоратош кўчаси, 1-уй.

г) рейтинг тўғрисида жамият билдиришни маъқул топган бошқа маълумотлар: кўзда тутилмаган.

8. Жамият филиаллари ҳамда вакилликлари тўғрисида маълумот.

Т/р	Тўлиқ номи	Жойлашган манзили	Телефон рақами
1	“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” масъулияти чекланган жамияти амалиёт бўлими	Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Боткина кўчаси 8А-уй.	71-200-00-97 71-203-77-65
2	“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” масъулияти чекланган жамияти ТТЗ филиали	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-2, 52-уй, 9-хонадон	71 200-00-46 71 264-26-99
3	“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” масъулияти чекланган жамияти Алгоритм филиали	Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Қозиғузар 1-тор кўчаси, 18-уй	71 200-00-86 71 270-15-77
4	“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” масъулияти чекланган жамияти Бек Барака филиали	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қатортол ҚФЙ, "BEK BARAKA IXTISOSLASHGAN SAVDO KOMPLEKSI" МЧЖ худуди	95 197-22-00 95 193-88-00 99 497-22-00
5	“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” масъулияти чекланган жамияти Янгийўл филиали	Тошкен вилояти, Янгийўл шаҳар, Наврўз МФЙ, А.Шерматов кўчаси, 1-уй	71 200-02-30 95 196-30-36 99 177-39-19
6	“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” масъулияти чекланган жамияти Самарқанд филиали	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, Рудакий кўчаси, 97-уй	66 230-02-30 66 229-55-29 90 196-72-71 93 380-12-82
7	“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” масъулияти чекланган жамияти Қарши филиали	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, И.Каримов кўчаси, 219-б-уй	75 223-60-44 95 083-51-14
8	“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” масъулияти чекланган жамияти Термиз филиали	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Фаровон массиви, 1-даха 31/14 уй.	99-553-53-36 99-503-53-36

9	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Бухоро филиали	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Мўминова кўчаси, 7-уй, 5/15-хонадон.	88-301-40-80 88-301-40-90
10	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Занги ота филиали	Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ойбек МФЙ, Марказий шох кўчаси, 2-уй.	97 145 28 18 99 497-22-00
11	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Гулистон филиали	Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар, Янги ҳаёт МФЙ, Катта қўрғон кўчаси, 76-уй.	95 022 00 36 95 022 00 46
12	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Жиззах филиали	Жиззах шаҳар, Зилол МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 1-уй.	88 029 47 00 88 028 47 00
13	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Нукус филиали	Нукус шаҳар, «Халықлар дослыгы» МФЙ, Кайыпбергенова кўчаси, 65-уй, Давлат хизматлари маркази	99 415 30 03 99 418 30 03
14	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Нарпай филиали	Самарқанд вилояти, Нарпай тумани, Сарбозор МФЙ	97 890 45 00 97 890 46 00
15	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Хазорасп филиали	Хорезм вилояти, Хазорасп тумани, Е. Гаязов МФЙ, 31- уй	95 441 30 00 95 441 40 00
16	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Зарафшон филиали	Зарафшон шаҳри, 1-Кичик тумани маркази, Дехқон бозори ҳудудида жойлашган	95 273 55 00 95 274 55 00
17	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Ходжаобад филиали	Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, Узун-куча МФЙ, Карвон йули-1.	77 087 00 21 77 086 00 21
18	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Коканд филиали	Фаргона вилояти, Кукон шаҳар, Муқимий, Навбахор МСГ, Усмон Носир кучаси, чакана савдо дукони ва омборни 58/1.	90 852 44 88 90 852 44 99
19	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Наманган филиали	Наманган шаҳри, Кукон кучаси, 5-уй	90 140 73 58 93 257 70 12
20	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Кургонтепа филиали	Андижон вилояти, Кургонтепа тумани, Кургонтепа КФЙ, Янги ҳаёт МФЙ, Порлок келажак кучаси, 404-уй	97 060 02 56 88 087 02 56

21	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI масъулияти чекланган жамияти Асака филиали	Андижон вилояти, Асака тумани, Беруний МФЙ, Имом Бухорий кўчаси, рақамсиз бинода жойлашган.	91 710 38 00 91 710 39 00
22	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI масъулияти чекланган жамияти Шахрихон филиали	Андижон вилояти, Шахрихон тумани, Абдусамат МФЙ, Р.Ёдгоров кучаси, 3 дукон.	95 720 47 00 95 730 47 00
23	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI масъулияти чекланган жамияти Истиклол филиали	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Кассоблик МФЙ, Истиклол кучаси, 25-уй.	93 840 55 00 94 084 55 00
24	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI масъулияти чекланган жамияти Маргилон филиали	Фаргона вилояти, Маргилон шаҳри, Ёркин МФЙ, Б.Маргилоний кучаси, 155-а дукон 2 каватли бинонинг 1- каватида.	77 128 00 88 77 038 00 88
25	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Джаркурган филиали	Сурхондарё вилояти, Жаркурган тумани, Сурхон- сохил МФЙ, 1-Шифокор кучаси, 20 уй	94 420 00 49 94 420 00 46
26	"BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI" масъулияти чекланган жамияти Юбилейный филиали	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Алпомиш МФЙ, Ал хаким кучаси ат-Термизий, 28s уй, 3	88 420 96 66 88 423 96 66

9. Шўба ва (ёки) тобе юридик шахслар тўғрисида маълумот (мавжуд бўлган тақдирда): Облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган сана ҳолатига жамиятга шўба ва тобе бўлган юридик шахслар мавжуд эмас.

10. Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган саноат, банк, молиявий гуруҳлар, холдинглар, концернлар, уюшмалар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига тегишлилиги, товар, валюта, фонд, бошқа биржалардаги аъзолиги, уларнинг тўла номлари ва манзиллари кўрсатилган ҳолда: Жамият саноат, банк, молиявий гуруҳлар, холдинглар, концернлар, уюшмалар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига тегишли эмас ҳамда товар, валюта, фонд ва бошқа биржаларда аъзо эмас.

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ушбу эмиссия рисоласига илова қилинади.

12. Ишчиларнинг охириги 3 йил учун ўртача йиллик сони (одамлар):

Йиллар кесимида	2022	2023	2024
жамиятнинг асосий фаолияти бўйича банд бўлган ходимлар	77	83	105
маъмурий-бошқарув ходимлари	3	4	4

13. Жамият устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар (ушбу илованинг 9-бандида кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно): Жамият бошқа ташкилотлар устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эга эмас.

14. Корпоратив бошқарув кодексининг жамият томонидан қабул қилинган санаси: Жамият томонидан Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари қабул қилинмаган.

15. Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун ошкор қилиниши муҳим деб билган бошқа маълумотлар: Бошқа маълумотлар кўзда тутилмаган.

2-боб. Келгуси қимматли қоғозлар чиқарилишини муомалага киритиш шартлари

17. Келгуси облигациялар чиқарилиши шартлари.

а) облигациялар чиқарилиши ҳақида маълумотлар:

облигациялар тури: Эгасининг номи ёзилган, фоизли.

облигациянинг номинал қиймати, сўмда: 100 000 (юз минг сўм).

облигациялар сони: 250 000 (икки юз эллик минг) дона.

облигациялар чиқарилишининг умумий ҳажми: 25 000 000 000 (йигирма беш миллиард) сўм.

тўлов усули ва жойлаштириладиган облигациялар нархи (қиймати): Облигациялар жойлаштириш муддатининг 1-12 чи 30 кунлик оралиқ даврларнинг биринчи кунда номинал қийматига, яъни 100 000 сўмга тенг бўлади. Мазкур даврларнинг иккинчи кундан бошлаб облигацияларнинг номинал қийматига облигациялар бўйича тўпланган фоизли даромад қўшилган ҳолда сотилади.

Облигациянинг жойлаштириш нархи куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$J = N + (N * C) / 365 * (M-1)$$

J – облигациянинг жойлаштириш нархи;

N – облигациянинг номинал қиймати;

C – облигациянинг фоиз ставкаси (йиллик ҳисобида);

M – оралиқ даврнинг жойлаштириш куни.

Изоҳ: Фоизли даромад миқдори бир тийинга қадар аниқлик билан белгиланади. (Йириклаштириш математик яхлитлаш қоидалари асосида амалга оширилади. Бунда яхлитланадиган рақамдан кейинги биринчи сон 1 дан 4 гача тенг бўлса бутун тийиннинг аҳамияти ўзгармайди ҳамда агар яхлитланадиган рақамдан кейинги сон 5 дан 9 гача тенг бўлса у бирга қўнайган ҳолда ўзгаради).

Облигациялар учун тўлов нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигида (сўмда) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва биржа қоидаларига мувофиқ пул маблағлари билан амалга оширилади.

Облигациялар бўйича пул бўлмаган воситалар билан тўловлар кўзда тутилмаган.

б) облигациялар бўйича даромад олиш:

облигациялар бўйича мукофотни аниқлаш тартиби: Ушбу облигациялар бўйича мукофот (фоизли даромад) йиллик ҳисобида облигациянинг номинал қийматига нисбатан 28 (йигирма саккиз) фоизни ташкил қилади.

Ҳар бир облигация бўйича фоизли даромад муомала муддати давомида ҳар бир оралиқ давр учун ҳисобланади ва тўланади. Бунда облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш ҳар бир оралиқ даврнинг охири кунига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгалари реестрига асосан амалга оширилади.

Фоизли даромад куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$Dn = N * C * 30 / 365$$

Dn – облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромад;

N – облигациянинг номинал қиймати;

C – облигациянинг фоиз ставкаси (йиллик ҳисобида).

Изоҳ: Фоизли даромад миқдори бир тийинга қадар аниқлик билан белгиланади. (Йириклаштириш математик яхлитлаш қоидалари асосида амалга оширилади. Бунда яхлитланадиган рақамдан кейинги биринчи сон 1 дан 4 гача тенг бўлса бутун тийиннинг аҳамияти ўзгармайди ҳамда агар яхлитланадиган рақамдан кейинги сон 5 дан 9 гача тенг бўлса у бирга қўнайган ҳолда ўзгаради).

облигациялар бўйича мукофотни тўлаш даврийлиги ва (ёки) облигациялар бўйича мукофотни тўлаш санаси: Ҳар бир облигация бўйича фоизли даромад муомала муддати давомида ҳар бир оралик давр учун ҳисобланади ва тўланади. Бунда облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш ҳар бир оралик даврнинг охириг кунига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгалари реестрига асосан амалга оширилади.

облигациялар бўйича мукофотни тўлашни бошлаш санаси: облигациялар бўйича фоизли даромад тўловини амалга ошириш учун облигация эгалари реестри ёпилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун мобайнида амалга оширилади.

облигациялар бўйича мукофотни тўлаш тартиби ва усуллари, облигациялар бўйича мукофотни олиш усуллари: Облигация бўйича фоизли даромад ҳар бир оралик давр учун тўланадиган фоизли даромаддан иборат.

Облигациялар бўйича даромадларни тўлаш мақсадида қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан ҳар бир оралик даврнинг охириг куну якунига кўра шакллантирилган облигациялар эгаларининг реестри олинади.

“BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI” MChJ томонидан облигациялар бўйича ҳисобланган фоизли даромадлар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантириладиган облигация эгаларининг реестрида қайд этилган маълумотлар асосида тўланади.

Облигация эгалари реестри ёпилган кундан фоизли даромад тўловлари реестрда қайд этилган облигация эгаларига уларнинг хизмат кўрсатувчи банклардаги реквизитларига 10 (ўн) иш куну мобайнида амалга оширилади.

Облигациялар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли даромад тўлови билан боғлиқ ахборот ўрнатилган тартибда Корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz), “Тошкент” РФБнинг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz), жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.bizfin.uz) қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор қилинади.

Шунингдек, эмитент облигациялар эгаларининг реестрини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

Агар облигация эгаларининг реестрида облигация эгасининг банк ҳисобварақлари тўғрисида маълумот бўлмаса ёки маълумотлар ўз актуаллигини йўқотса, ушбу облигация эгасига тегишли маблағлар эмитентнинг хизмат кўрсатувчи банкида фоизларсиз шартларда сақланади.

Инвесторлар сотиб олган жамият облигацияларига ҳисобланган фоизли даромадлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ даромад солиғига тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги ПҚ-90-сонли Қарори 1-бандига кўра, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик жамиятлари облигациялари бўйича ҳисобланган фоизлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғидан 2022 йил 1 апрелдан 2028 йил 31 декабрга қадар озод қилинган.

Юқоридаги Қарорда белгиланган имтиёз муддати тугаганидан сўнг, Облигация эгасига даромад солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар (даромад солиғини тўлашдан озод этиш киритилган ҳолда) қўлланилган тақдирда, бундай облигация эгаси жамиятни олдиндан солиқ имтиёзи мавжудлиги юзасидан хабардор этиши шарт.

Ушбу хабарномада инвестор мажбурий тартибда қуйидаги ахборотларни баён этиши лозим:

- солиқ имтиёзини қўллаш учун асос бўлиб ҳисобланган меъёрий ҳужжат номи (ушбу меъёрий ҳужжатнинг нусхасини хатга илова қилинган ҳолда);
- облигация эгасига бундай имтиёз қўлланилиши учун асос.

Инвестор мазкур имтиёзни қўллаш бўйича хабарномани облигацияларнинг оралик даври якунига қадар, камида беш календарь кун олдин жамиятга тақдим этиши шарт.

в) облигацияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари:

жойлаштириш усули: Ушбу чиқарилишдаги корпоратив облигациялар сони чекланмаган инвесторлар орасида очиқ обуна йўли билан жойлаштирилади.

ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сотиб олишга бўлган чекловлар: Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сотиб олинишига чекловлар кўзда тутилмаган.

облигацияларни жойлаштириш муддати ва тартиби: Мазкур чиқарилишдаги облигациялар ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 365 кун ичида жойлаштирилади.

Жойлаштиришни бошланиш санаси: мазкур облигациялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган санадан кейинги ўн бешинчи кун. Агар облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси дам олиш кунига тўғри келса, бу ҳолда облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

Жойлаштиришни тугаши санаси: ушбу чиқарилишнинг охириги облигацияси жойлаштирилган куни ҳисобланиб, ушбу сана облигациялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

облигациялар реализация қилинадиган жойлар (қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг номи ва унинг маълумотлари): Ушбу чиқарилишдаги облигациялар “Toshkent” Республика фонд биржасида биржа қоидаларига асосан битимлар тузиш йўли билан жойлаштирилади.

“Toshkent” Respublika fond birjasi aksiyadorlik jamiyati

Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй.

info@uzse.uz, www.uzse.uz, +998 71 267-18-23.

г) облигациялар муомаласи тартиби ва шартлари:

Облигацияларнинг муомаласи қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганидан ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ҳисобга қўйилганидан сўнг амалга оширилади. Облигациялар эмитентга хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачисидаги депо ҳисоб рақамига кўчирилади.

Мазкур чиқарилишдаги облигацияларнинг муомала муддати ушбу чиқарилишдаги облигацияларни жойлаштириш бошланиш санасидан бошлаб 1080 (Бир минг саксон) кун.

Муомала муддати фоизларни тўлаш мақсадида ҳар бири 30 кундан иборат бўлган 36 та оралик даврларга бўлинган.

Облигациялар муомаласи олди-сотди битимларини тузиш, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган, қимматли қоғозлар эгасининг ўзгаришига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар билан амалга оширилади.

Облигациялар биржа ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлиши мумкин. Облигацияларга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Облигация билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар ушбу облигацияга бўлган ҳуқуқлар ўтган кундан эътиборан олувчига ўтади.

д) облигацияларни сўндириш тартиби ва шартлари:

облигацияларни сўндириш санаси: Облигацияларни сўндиришни бошланиш санаси, жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб 1081-кун (Бир минг саксон биринчи кун) ҳисобланади.

облигацияларни сўндириш усули: Мазкур корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига тегишли облигацияларнинг эгалари ўзларига тегишли облигацияларга тўлиқ сўндириш санасигача эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

Облигацияларни сўндириш унинг номинал қийматида амалга оширилади.

Эмитент, сўндириш санасига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгаларининг реестри асосида пул маблағларини қайтаради. Мазкур реестр Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан сўндиришни бошланиш санасидан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида олинади.

Пул маблағларини қайтариш муддатлари облигациялар сўндириш кунидан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида амалга оширилади. Тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди.

Облигациялар эгалари реестридаги облигация эгасининг реквизитлари тўлиқмаслиги ва/ёки нотўғрилиги сабабли облигациянинг номинал қиймати ва унга ҳисобланган фоизли даромаднинг тўлови кечиктирилиши, шунингдек бундай кечиктиришнинг оқибатлари юзасидан эмитент жавобгар бўлмайди.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун облигациялар эгалари ўзларининг банк реквизитларини жамиятга тақдим этишлари лозим.

Шунингдек, эмитент облигациялар эгаларининг реестрини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

Агар облигация эгаларининг реестрида облигациялар эгаларининг банк ҳисобварақлари тўғрисида маълумот бўлмаса ёки маълумотлар ўз актуаллигини йўқотса, ушбу облигация эгасига тегишли маблағлар эмитентнинг хизмат кўрсатувчи банкида фоизларсиз шартларда сақланади.

е) облигацияларни муддатидан олдин сўндириш имконияти ва шартлари:

Қуйидаги ҳолларда облигациялар муддатидан олдин сўндирилади:

- Жамият тугатилган тақдирда;
- Жамиятнинг корпоратив облигациялари чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда.

Эмитент тугатилган тақдирда қонунчиликда ўрнатилган хўжалик жамиятини тугатиш тартибига кўра облигация номинал қиймати ва фоизли даромад тўлови амалга оширилади.

Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда облигацияларни сўндириш ушбу рисоланинг 17-банди ж-кичик бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда облигация эгалари аризасига кўра облигациялар муддатидан олдин сўндирилиши мумкин:

- Жамият қайта ташкил этилган тақдирда;
- Жамият ўз капитали миқдори қонунчиликда белгиланган миқдордан камайган тақдирда.

Юқорида қайд этилган ҳолларда облигация эгалари жамиятга ушбу облигацияларни муддатидан олдин сўндириш бўйича ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Эмитент ариза келиб тушган кундан бошлаб 10 кун ичида эмитент ягона иштирокчиси қарори асосида облигация эгасига облигациянинг номинал қиймати ҳамда ушбу облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромадни қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида аризада кўрсатилган банк реквизитига ўтказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Эмитент ягона иштирокчиси қарори қабул қилинган кундан бошлаб, мазкур облигацияларга тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди.

Эмитентнинг облигацияларни муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборот ўрнатилган тартибда жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.bizfin.uz) ва оммавий ахборот воситалари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор қилинади.

ж) қимматли қоғозлар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, жамият томонидан облигациялар учун тўлов сифатида олинган маблағларни қайтариш тартиби: Ушбу чиқарилиш ҳақиқий эмас ёки амалга ошмаган деб топилган тақдирда бу тўғрисидаги маълумот белгиланган тартибда Корпоратив ахборот ягона

порталида: (www.openinfo.uz), “Тошкент” РФБнинг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz) ҳамда жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.bizfin.uz) эълон қилинади.

Облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган кундан ва облигациялар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарори эмитент томонидан олинган сана ҳолатига шакллантирилган облигация эгаларининг реестри асосида, ушбу қарор олинган кундан бошлаб 10 (ўн) иш кун ичида реестрда қайд этилган шахсларга облигацияларнинг номинал қиймати ва уларга ҳисобланган фоизли даромадлари тўлаб берилади.

Облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган кундан ва облигациялар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарори эмитент томонидан олинган санадан бошлаб фоизли даромадлар ҳисобланиши тўхтатилади.

Облигациялар эгалари реестридаги облигация эгасининг реквизитлари тўлиқмаслиги ва/ёки нотўғрилиги сабабли облигациянинг номинал қиймати ва унга ҳисобланган фоизли даромад тўлови кечиктирилиши, шунингдек бундай кечиктиришнинг оқибатлари юзасидан эмитент жавобгар бўлмайди.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун облигациялар эгалари ўзларининг банк реквизитларини жамиятга тақдим этишлари лозим.

Шунингдек, эмитент облигациялар эгаларининг реестрини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

Агар облигация эгаларининг реестрида облигациялар эгаларининг банк ҳисобварақлари тўғрисида маълумот бўлмаса ёки маълумотлар ўз актуаллигини йўқотса, ушбу облигация эгасига тегишли маблағлар эмитентнинг хизмат кўрсатувчи банкида фоизларсиз шартларда сақланади.

з) айирбошланадиган облигациялар тўғрисида маълумот: Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни айирбошлаш кўзда тутилмаган.

и) ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот: Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот кўзда тутилмаган.

к) гаров сифатида тақдим этилган мол-мулкни баҳолашда қатнашган баҳоловчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар: Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича бундай таъминот кўзда тутилмаган.

л) банк кафолатини тақдим этган банк тўғрисидаги маълумотлар: Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича банк кафолати кўзда тутилмаган.

м) облигацияларнинг ушбу чиқарилиши бўйича жамиятнинг мажбуриятларини суғурталаган суғурта ташкилоти тўғрисида маълумотлар: Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича суғурта ташкилоти томонидан суғурта қилиниши кўзда тутилмаган.

н) облигацияларни жойлаштиришдан олинган пуллардан фойдаланишнинг мақсади: Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни жойлаштиришдан олинган пул маблағлари куйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- айланма маблағларни тўлдириш учун;
- миқдорларга микроқарз ажратиш учун;
- жамият фаолиятини янада ривожлантириш учун.

о) облигациялар эгасига бериладиган ҳуқуқлар:

Мазкур чиқарилишдаги ҳар бир облигация ўз эгаларига куйидаги ҳуқуқларни беради:

- облигация эгалари ушбу рисолада белгиланган муддатда облигация учун белгиланган фоизли даромадни олиш;

- облигация эгалари қимматли қоғозлар бозоридаги ўз таваккалчиликларини суғурта қилдириш;

- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

- ушбу рисоланинг 17-банди “е”-кичик бандида белгиланган ҳолларда облигацияларни муддатидан олдин сўндиришни талаб этиш;

- ўзига тегишли корпоратив облигацияларни исталган вақтда учинчи шахсга сотиш ва қайта сотиб олиш ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа йўллар билан бошқа шахсга бериш;

- облигациялар бўйича эмитент томонидан тўлов мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда ушбу масала юзасидан давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколат берилган органда, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

п) инвестор томонидан сотиб олинган облигациялар бўйича олинган даромадни солиққа тортиш тўғрисидаги маълумот: Облигациялар бўйича даромадларни солиққа тортиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 январдаги ПҚ-90-сонли Қарори 1-бандига кўра, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик жамиятлари облигациялари бўйича ҳисобланган фоизлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғидан 2022 йил 1 апрелдан 2028 йил 31 декабрга қадар озод қилинган.

р) рўй бериши оқибатида жамиятнинг облигациялари бўйича мажбуриятлар бажарилмаслиги эҳтимоли бўлган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар: Жамият облигациялар бўйича мажбуриятларини ҳодисалар рўй берган ҳолларда бажара олмаслиги мумкин:

- Жамият фаолиятини мажбурий (Марказий банк томонидан лицензия чақириб олинганда) шаклда тугатиш тўғрисидаги қарор қилинганда;

- Жамият банкрот деб топилган тақдирда.

Жамият лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тиклаш, тугатиш ва уни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларини белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида, шунингдек Марказий банк ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Жамият облигациялар бўйича мажбуриятларни бажара олмаслиги ёки лозим даражада бажара олмаслиги юзасидан қарор қабул қилиш кунига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан облигация эгалари реестрини олади. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан тақдим қилинган облигация эгалари реестрига мувофиқ, жамият облигациялар бўйича мажбуриятларни бажара олмаслиги ёки лозим даражада бажара олмаслиги юзасидан ягона иштирокчи томонидан кўриб чиқилиб, (облигацияларини муомаладан чиқариш ва уларга ҳисобланган фоизларни тўлаш юзасидан) қарорлар қабул қилинади.

с) жамият облигациялар бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда, облигациялар эгалари ҳаракатларининг тавсифи: Жамият облигациялар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги бўйича жамият ягона иштирокчиси қарори қабул қилинган кундан 5 (беш) иш куни ичида, облигация эгаларини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгаларининг реестрида қайд этилган маълумотлар асосида ёзма шаклда хабардор қилади ҳамда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи веб-сайти ва жамият веб-сайтида эълон қилади.

Жамият ягона иштирокчиси қарорида, жамият облигациялар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар миқдори, мажбуриятларнинг бажарилмаслигининг сабаби, шунингдек, облигациялар эгаларининг ўз талабларини қондириш бўйича ҳаракатлари таснифи баён қилинади.

Жамият облигациялар бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда, облигация эгалари ўз талабларини қондириш бўйича мумкин бўлган ҳаракатлари қуйидагилар:

- жамиятга бажарилмаган мажбуриятларини қонунчиликда белгиланган тартибда бажарилиши юзасидан мурожаат қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорида ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ва бошқа давлат органларига ариза билан мурожаат қилиш.

т) жамиятнинг тўлов агенти тўғрисидаги маълумот (мавжуд бўлган тақдирда): Тўлов агенти жалб қилинмаган.

3-боб. Эмиссия тўғрисидаги қўшимча маълумотлар

18. Ушбу қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамият органи ва қарор қабул қилинган сана: Жамият ягона иштирокчисининг 2025 йил 31 июлдаги 58-сонли Қарори.

19. Ушбу чиқарилиш бўйича жамият томонидан жалб қилинган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳақида маълумот:

Ушбу чиқарилиш бўйича жамият томонидан андеррайтер сифатида “Leader Finance Capital” МЧЖ жалб этилган.

- Тўлиқ номи: “Leader Finance Capital” масъулияти чекланган жамияти.
- Ташкилий ҳуқуқий шакли: масъулияти чекланган жамияти.
- Жойлашган ери ва почта манзили: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй.

- Алоқа телефонлар: (998 99) 444-53-53

- Электрон почта: info@lfcapital.uz

- профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2023 йил 25 январда қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун берилган 060102-сонли лицензияга асосан хизмат кўрсатади. Лицензиянинг амал қилиш муддати чегараланмаган.

Жамият томонидан инвестиция маслаҳатчиси жалб қилинган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи органга фаолият бошланиши тўғрисида хабарнома юборганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади: Ушбу чиқарилиш бўйича инвестиция маслаҳатчиси жалб этилмаган.

Жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида тузилган шартномаси санаси ва рақами: 2025 йил 30 июлдаги 1-сон.

20. Мустақил аудитор тўғрисидаги ахборот.

Сўнгги тугалланган 3 молия йилида жамият молия ҳисоботи аудитини амалга оширган аудиторлик ташкилотининг тўлиқ расмий номи (аудитор Ф.И.О.): "Audit Experts Group" («Trans-audit-A») масъулияти чекланган жамияти аудиторлик ташкилоти, Тулаев Умид Иброхимович, жойлашган манзили ва алоқа маълумотлари: 100070, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 1/2. Тел.: (998 71) 268-48-86.

20¹. Облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни Миллий яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талабларига мувофиқ ишлатиш мақсади тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун). Яшил корпоратив облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган.

20². Миллий яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талаблари доирасида эришиладиган режалаштирилган натижалар (KPI) тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун). Яшил корпоратив облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган.

20³. Яшил стандартларга мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги, шунингдек, бундай сертификатни берган ташкилот тўғрисидаги маълумотлар (яшил

корпоратив облигациялар учун). Яшил корпоратив облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган.

21. Мазкур чиқарилиш билан боғлиқ тегишли хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома тузилган юридик ва молия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг тўлиқ номи: Мазкур чиқарилиш билан боғлиқ тегишли хизматларни кўрсатиш бўйича юридик ва молия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан шартнома тузилмаган.

22. Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташкилотлар тўғрисида маълумот.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумотлар:

Тўлиқ номи: “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти.

Ташкилий ҳуқуқий шакли: акциядорлик жамияти.

Жойлашган ери ва почта манзили: 100170, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уй.

Алоқа телефонлар: +998 (71) 211-09-09.

Электрон почта: info@uzcsd.uz.

Инвестиция воситачиси тўғрисида маълумотлар:

Тўлиқ номи: “Leader Finance Capital” масъулияти чекланган жамият.

Ташкилий ҳуқуқий шакли: масъулияти чекланган жамият.

Жойлашган ери ва почта манзили: 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй.

Алоқа телефонлар: +998 (99) 444-53-53, электрон почта: info@lfcapital.uz.

Профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2023 йил 25 январда қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун берилган 060102-сонли лицензияга асосан хизмат кўрсатади. Лицензиянинг амал қилиш муддати чегараланмаган.

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташкилот билан тузилган шартнома санаси ва рақами: 2023 йил 6 февралдаги 2/23-Э-сон.

23. Рўйхатга олинган облигациялар чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотлар: Жамият томонидан 3 та облигациялар чиқарилиши амалга оширилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 август куни Q0845-сон билан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 сентябрда Q0845-2-сон билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2024 йил 21 ноябрда Q0845-3-сон билан давлат рўйхатига олинган.

2022 йил 31 августдаги Q0845-сонли чиқарилиш тўғрисида маълумот:

Чиқарилишдаги облигациялар тури ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз шаклдаги, оддий фоизли корпоратив облигациялар;

Чиқарилишдаги облигациялар сони: 10 000 дона;

Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 сўм;

Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 10 000 000 000 сўм;

Рўйхатдан ўтган санаси: 2022 йил 31 август;

Жойлаштирилган облигациялар миқдори: 6 565 дона;

Облигацияларни жойлаштиришда жалб этилган маблағларнинг умумий миқдори: 6 565 000 000 сўм (номинал қиймати бўйича);

Чиқарилиш бўйича ҳисобланган ва тўланган мукофот миқдори: 3 917 825 608,32 сўм ҳисобланган ва 3 917 603 690,52 сўм тўлаб берилган.

Қайта сотиб олинган облигациялар миқдори: мавжуд эмас.

Жойлаштирилмаган облигациялар фоизи, жойлаштирмаганлик сабаби (агар бундай ҳолат бўлса): 34,35 фоиз, жойлаштириш муддати ичида инвесторлар томонидан харид қилинмаган (олинмаган) ҳамда белгиланган тартибда бекор қилинган.

Жамиятнинг облигациялар эгалари олдидаги мажбуриятларини бажармаслиги ҳолатлари бўйича маълумотлар (облигациялар бўйича мукофотларни тўламаслик (тўловнинг кечиктирилиши), жумладан, бажарилмаган мажбуриятлар ҳажми ва қанча муддатга кечиктирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган, аммо тўлаб берилмаган мукофот миқдори: мазкур чиқарилиш бўйича жами 3 917 825 608,32 сўм мукофот ҳисобланган бўлиб, шундан 221 917,80 сўм “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖ томонидан шакллантирилган облигация сақловчиларнинг реестрларида облигация сақловчиларнинг банк реквизитлари ва алоқа маълумотлари кўрсатилмаганлиги учун тўлашни иложи бўлмаган. Мазкур маълумотлар тақдим этилган тақдирда ва вақтда жамият ўз мажбуриятларини (тўловларни) бажаришга тайёр.

Облигациялар чиқарилишини жойлаштириш ёки муомалага чиқариш тўхтатилган (тикланган) бўлса, бундай қарорни қабул қилган давлат органи, асос ва қарор қабул қилинган сана кўрсатилади: бундай ҳолатлар мавжуд эмас.

2023 йил 14 сентябрда Q0845-2-сонли чиқарилиш тўғрисида маълумот:

Чиқарилишдаги облигациялар тури ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий фоизли корпоратив облигациялар;

Чиқарилишдаги облигациялар сони: 200 000 дона;

Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 100 000 сўм;

Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 20 000 000 000 сўм;

Рўйхатдан ўтган санаси: 2023 йил 14 сентябр;

Жойлаштирилган облигациялар миқдори: 200 000 дона;

Облигацияларни жойлаштиришда жалб этилган маблағларнинг умумий миқдори: 20 000 000 000 сўм (номинал қиймати бўйича);

Чиқарилиш бўйича ҳисобланган ва тўланган мукофот миқдори: 6 421 057 521,66 сўм ҳисобланган ва 6 410 964 691,02 сўм тўлаб берилган.

Қайта сотиб олинган облигациялар миқдори: мавжуд эмас.

Жойлаштирилмаган облигациялар фоизи, жойлаштирмаганлик сабаби (агар бундай ҳолат бўлса): мавжуд эмас;

Жамиятнинг облигациялар эгалари олдидаги мажбуриятларини бажармаслиги ҳолатлари бўйича маълумотлар (облигациялар бўйича мукофотларни тўламаслик (тўловнинг кечиктирилиши), жумладан, бажарилмаган мажбуриятлар ҳажми ва қанча муддатга кечиктирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган, аммо тўлаб берилмаган мукофот миқдори: мазкур чиқарилиш бўйича жами 6 421 057 521,66 сўм мукофот ҳисобланган бўлиб, шундан 10 092 830,64 сўм “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖ томонидан шакллантириладиган облигация сақловчиларнинг реестрларида облигация сақловчиларнинг банк реквизитлари ва алоқа маълумотлари кўрсатилмаганлиги учун тўлашни иложи бўлмаган. Мазкур маълумотлар тақдим этилган тақдирда ва вақтда жамият ўз мажбуриятларини (тўловларни) бажаришга тайёр.

Облигациялар чиқарилишини жойлаштириш ёки муомалага чиқариш тўхтатилган (тикланган) бўлса, бундай қарорни қабул қилган давлат органи, асос ва қарор қабул қилинган сана кўрсатилади: бундай ҳолатлар мавжуд эмас.

2024 йил 21 ноябрда Q0845-3-сонли чиқарилиш тўғрисида маълумот:

Чиқарилишдаги облигациялар тури ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий фоизли корпоратив облигациялар;

Чиқарилишдаги облигациялар сони: 300 000 дона;

Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 100 000 сўм;

Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 30 000 000 000 сўм;

Рўйхатдан ўтган санаси: 2024 йил 21 ноябр;

Жойлаштирилган облигациялар миқдори: 283 709 дона;

Облигацияларни жойлаштиришда жалб этилган маблағларнинг умумий миқдори: 28 370 900 000 сўм (номинал қиймати бўйича);

Чиқарилиш бўйича ҳисобланган ва тўланган мукофот миқдори: 2 823 256 329,86 сўм ҳисобланган ва 2 823 027 754,32 сўм тўлаб берилган.

Қайта сотиб олинган облигациялар миқдори: мавжуд эмас.

Жойлаштирилмаган облигациялар фоизи, жойлаштирмаганлик сабаби (агар бундай ҳолат бўлса): 5,43 фоиз, мазкур қарор тасдиқланган санада жойлаштириш муддати якунланмаган, жойлаштиришнинг охири куни 2025 йил 11 ноябрь;

Жамиятнинг облигациялар эгалари олдидаги мажбуриятларини бажармаслиги ҳолатлари бўйича маълумотлар (облигациялар бўйича мукофотларни тўламаслик (тўловнинг кечиктирилиши), жумладан, бажарилмаган мажбуриятлар ҳажми ва қанча муддатга кечиктирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган, аммо тўлаб берилмаган мукофот миқдори: мазкур чиқарилиш бўйича жами 2 823 256 329,86 сўм мукофот ҳисобланган бўлиб, шундан 228 575,54 сўм “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖ томонидан шакллантирилаётган облигация сақловчиларнинг реестрларида облигация сақловчиларнинг банк реквизитлари ва алоқа маълумотлари кўрсатилмаганлиги учун тўлашни иложи бўлмаган. Мазкур маълумотлар тақдим этилган тақдирда ва вақтда жамият ўз мажбуриятларини (тўловларни) бажаришга тайёр.

Облигациялар чиқарилишини жойлаштириш ёки муомалага чиқариш тўхтатилган (тикланган) бўлса, бундай қарорни қабул қилган давлат органи, асос ва қарор қабул қилинган сана кўрсатилади: бундай ҳолатлар мавжуд эмас.

4-боб. Жамиятнинг бошқарув ва ижро органлари тўғрисидаги маълумот

24. Жамият кузатув кенгаши аъзолари тўғрисидаги маълумотлар.

Жамиятда кузатув кенгаши мавжуд эмас.

25. Жамият кузатув кенгаши қўмиталари тўғрисидаги ахборот.

Жамиятда кузатув кенгаши ва қўмиталари мавжуд эмас.

26. Жамиятнинг коллегиял (якка) ижроия органи тўғрисида маълумотлар.

ижроия органи вазифасини якка бажарувчи шахснинг Ф.И.О.: Ахмедов Бахтиёр Турсуналиевич – Директор.

ижроия органи вазифасини якка бажарувчи шахс сайланган сана: 2019 йил 11 октябр. унинг ваколатлари:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади;

- жамият ҳодимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ҳодимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;

- жамият аъзолари ўртасида мажбуриятларни тақсимлайди;

- жамиятнинг барча ҳодимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

- жорий ва келажакдаги режаларнинг бажарилишини таъминлайди.

- жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ваколатлари жумласига киритилмаган бошқа ваколатларни амалга оширади.

сўнгги 2 йил ичидаги ва ҳозирги вақтдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги хронологик тартибдаги маълумотлар: 2019 йил 11 октябрдан бугунги кунга қадар «BIZNES FINANS MIKROMOLIYA TASHKILOTI» MChJ директори.

жамият ижроия органи вазифасини якка бажарувчи шахсга тегишли улушнинг жамият устав капиталидаги улушлар умумий ҳажмига фоиз нисбати: жамият ижроия органи вазифасини якка бажарувчи шахснинг жамият устав капиталида улуши мавжуд эмас.

27. Жамият ижроия органининг вазифаси топширилган ташкилот тўғрисидаги маълумот: Жамият ижроия органининг вазифаси бошқа ташкилотга берилмаган.

28. Мукофот ҳамда иш ҳақининг умумий миқдори, шунингдек, сўнги 3 йил учун мазкур Рисоланинг 24, 26 ва 27-бандларида кўрсатилган жамиятнинг шахсларига берилган ва тўланган имтиёзлар.

Жамият директори Ахмедов Бахтиёр Турсуналиевич бўйича маълумот (сўмда)

Тўлов тури йиллар кесимида	2022	2023	2024
Мукофот	-	-	-
Иш ҳақи	87 006 341	167 534 454	221 614 560
Берилган ва тўланган имтиёзлар	-	-	-

29. Жамиятнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акциялари (улуши)га эга бўлган акциядорлари (иштирокчилари).

иштирокчининг Ф.И.О.: Ходжаханов Тимур Мухаммедович – жамият устав капиталидаги улуши – 100 фоиз.

солиқ тўловчининг индивидуал рақами (жисмоний шахс учун): 473 078 914

таъсисчи ёки йирик акциядор (иштирокчи) жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 5 ва ундан ортиқ фоизига ёки устав капиталидаги иштирок этиш улушига эгалик қилишни бошлаган сана: Жамият ташкил топган кун.

30. Жамиятнинг бошқа аффилиланган шахслари тўғрисидаги маълумотлар.

Жамиятнинг бошқа аффилиланган шахслари мавжуд эмас.

5-боб. Жамиятининг молиявий-иқтисодий фаолияти кўрсаткичлари

31. Жамият фаолияти турлари.

асосий фаолият тури ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар) турлари:

Жамият фаолиятининг асосий мақсади бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларга микрокредит, микроқарз, микролизинг ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва микрокредит, микроқарз ва микролизинг бериш қоидаларига мувофиқ Иштирокчилар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган бошқа турдаги микромолиявий хизматларни кўрсатиш ҳисобланади.

Жамият микрокредит бериш фаолиятидан ташқари, қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли:

- вақтинчалик бўш бўлган маблағларни давлат қимматли қоғозларига, корпоратив қимматли қоғозларга, иккинчи даражали банклар депозитларига ва шунга ўхшаш Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган бошқа тарзда жойлаштириш.

- бошқа юридик шахсларни устав фондида иштирок этиш;

- Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва резидент бўлмаганлардан қарзлар ва грантларни жалб этиш;

- қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг);

- хусусий мулкни тасарруф этиш;

- микрокредитларни тақдим этиш фаолияти ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш;

- хусусий мулкни ижарага бериш;

- бепул таълим олиш.

жамиятнинг лицензиялари (патентлари) тўғрисидаги маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йил 22 апрелдаги 46-сонли “Микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун” берилган лицензия, мuddатсиз.

32. Жамиятнинг бозордаги улуши тўғрисидаги маълумот.

Жамиятнинг асосий фаолияти бўйича бозордаги улуши 1,8 фоиз, 9-ўрин.

33. Соҳанинг келажакдаги тараққиёти борасидаги прогнозлар ва ушбу соҳадаги жамиятнинг ўрни: Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 80 дан ортиқ микромолия ташкилотлари мавжуд бўлиб, Тошкент шаҳрида микромолия ташкилотларининг хизмат даражаси юқори бўлиб кучли рақобат мавжуд. Бироқ, вилоятлар доирасида ушбу кўрсаткич жуда паст, айниқса

Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида аҳоли орасида микроқарзга бўлган талаб юқори бўлишига қарамасдан ушбу вилоятларда битта ёки иккита микромолия ташкилотлари мавжуд. Шу сабабли жамият олдига Республиканинг чекка ҳудудларида филиаллар ташкил этишни режалаштирган.

Жамиятнинг ҳозирги кунда Республика бозоридаги улуши 1,8 фоиз ташкил этиб, йирик 10 талик микромолия ташкилотлари қаторига қиради, филиаллар сони бўйича йирик учталиқ рўйхатида.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган муддати давомида Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида ва Жарқўрғон туманида, Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида, Андижон вилояти Асака туманида ва Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳрида ўз филиалларини очди, қолаверса 2025 йилнинг охирига қадар яна 4 та вилоятнинг чекка ҳудудларида филиаллар ташкил этиб миқозлар қамровини оширган ҳолда Республиканинг чекка ҳудудларидаги фуқароларни кредитга бўлган талабини қондириш режалаштирилган. Шунингдек, 2025 йил якунига қадар жами кредит қўйилмаларни 250 млрд. сўмгача ошириш, микромолия бозоридаги улушни 2,1 фоизга етказиш ва Республикада филиаллар қамрови бўйича биринчи ўринга чиқиш долзарб вазифа этиб белгиланган.

34. Сўнги 3 йил ичида ёки жамиятнинг расмий фаолияти даврида сотилган маҳсулотлар (бажарилган иш, хизматлар) ҳажми.

2022 йил якуни бўйича аҳолига ажратилган микроқарзлар миқдори 137 551 217 минг сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2023 йил якуни бўйича 223 536 213 минг сўмни ташкил қилган, 2024 йил якуни бўйича 423 175 244 минг сўмни ташкил этган, 2025 йил 1 июл ҳолатига жами ажратилган микроқарзлар 334 014 554 минг сўмни.

35. Жамиятнинг ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари)ни сотишни ташкил этиш бўйича фаолияти.

жамият истеъмол қиладиган товарлар (иш, хизмат) умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизига тўғри келадиган етказиб берувчилар номи ва жойлашган манзили: "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Ўрта бизнес маркази Банк коди: 00440, СТИР: 200833707. Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Абай кучаси, 10а-уй.

жамият ишлаб чиқарадиган товарлар (иш, хизмат) умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини истеъмол қиладиган истеъмолчилар номи ва жойлашган манзили: мавжуд эмас.

36. Жамият фаолиятига таъсир қиладиган омиллар:

а) жамият фаолияти асосий турлари бўйича савдо (иш, хизмат) даромадлилигига ижобий ва салбий таъсир қиладиган омиллар.

Жамият фаолиятининг даромадлилига қуйидаги ижобий ва салбий омиллар таъсир кўрсатади:

- *ижобий омиллар:* Жамиятни ривожланиши учун таъсир қиладиган асосий ижобий омиллардан бири бу юртимизда охириги 5 йил давомида олиб борилаётган ислохотлар натижасида вужудга келган иқтисодий ва сиёсий барқарорликдир. Жамият томонидан берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши, жамиятга қўшимча ресурс ва инвесторлар базасининг жалб қилиниши, жамият кредит ресурсларига аҳоли эҳтиёжининг ортиши ва бошқа ижобий таъсирлар.

- *салбий омиллар:* Жамият томонидан берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтмаслиги эҳтимоли, жамият ресурс базаси етишмаслиги ва аҳолининг кредитга бўлган талабини пасайиши, ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлари, карантин чекловлари ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, жамиятнинг дастурий таъминот тизимига қилинган таҳдид (учинчи шахслар томонидан қилинган ҳужумлар) сабабли юзага келадиган вазиятлар ва бошқа салбий таъсирлар.

Ҳозирги кунда микромолия ташкилотларини ривожланиши учун тўсиқ бўлаётган асосий салбий омиллардан бири бу ресурс етишмовчилиги бўлса, иккинчи омил

Республикамиз бозорида мавжуд ресурсларни қимматлиги ва ташқи ресурслар бозоридан ресурс маблағларни жалб қилиниши жуда камлигида.

б) жамиятнинг суд жараёнларидаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар: Жамият ташкил этилган кундан буён ҳозирги даврга қадар кредиторлар билан суд жараёнларида иштирок этмаган.

в) ваколатли давлат органлари ва (ёки) суд томонидан сўнгги 3 йил давомида жамиятга ва унинг бошқарув органи аъзоларига нисбатан қўлланган барча маъмурий жазолар (санкциялар, жумладан молиявий) тўғрисидаги маълумотлар: жамият ташкил этилганидан буён ваколатли давлат органлари ёки суд томонидан жамиятга ва унинг бошқарув органи аъзоларига нисбатан маъмурий жазолар (санкциялар, жумладан молиявий) қўлланилмаган.

г) таваккалчилик омиллари:

жамият фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар:

Жамият Марказий банк томонидан берилган лицензия асосида фаолият юритади. Мазкур лицензия чекланмаган муддатда амалда бўлади, бироқ Марказий банк доимий равишда жамиятнинг иқтисодий норматив-кўрсаткичларини назорат қилиб боради. Агар жамият томонидан ушбу иқтисодий норматив-кўрсаткичлар бажарилмаган тақдирда мазкур лицензияни чақириб олиши ёки лицензияни амал қилиш муддати тугатилиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик ҳам фаолият юритиш лицензиясини чақириб олиншига сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, жамият фаолиятига Республикадаги иқтисодий ва сиёсий вазият таъсир кўрсатиши мумкин.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жамиятнинг учинчи шахслар, жумладан, жамиятнинг шўъба ташкилотлари бўйича жавобгарлиги ҳамда жамият томонидан берилган кредитлари ҳисобига олинган даромаднинг камида 10 (ўн) фоизига тўғри келадиган йўқотиш эҳтимоллари мавжуд эмас.

тармоқ хавф-хатарлари:

Жамиятнинг асосий фаолияти микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат бўлиб, қуйидагилар тармоқ хавф-хатари деб кўрсатилади:

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилган (рўйхат рақами 3205-сон) “Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкини ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори, шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисида”ги Низом талабига мувофиқ Микрокредит ташкилотларига белгиланган фоиз ставкасининг энг юқори (50% қилиб белгиланган) меъёрининг пасайтирилиши;

- жалб қилинган ресурс маблағлар ҳисоби камайиши ёки жалб қилинган ресурсларнинг ўта қимматлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жамият устав капиталига ва бериладиган кредит фоиз ставкаларига белгиланган нормативларни оширилиши;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан микромолия ташкилотининг активлари сифатини таснифлашда захира ажратилишида ўрнатилган меъёрларнинг ортиши;

- Республика солиқ тўлов тизимида солиқ ставкаларининг ўзгариши;

- Жамиятни ўз тасарруфига ўтган мол-мулкларни реализация қилиш бўйича белгиланган қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши;

- Республика молия бозорига четдан узоқ йиллар давомида фаолият юритаётган йирик микромолия ташкилотларининг кириб келиши.

Юқоридаги таъсирлар жамиятга ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга бевосита таъсир кўрсатиб, жамият фаолиятининг асосий тармоқ хавф-хатарлари ҳисобланади.

молиявий хавф-хатарлар:

Жамият молиявий хавф-хатарлари сирасига жамият ўз мажбуриятларини қоплай олмаслиги, кредитор ва иштирокчилар олдидаги мажбуриятларининг ортиши, молиявий барқарорлиги тўғрисида омма ичида салбий тасаввур юзага келиши, мижозлар сонининг камайиши, кўрсатилаётган хизмат сифатининг тушиши натижасида, жамиятда зарарлар юзага келишидан иборат.

Шунингдек, жамият активларининг молия мажбуриятларига номувофиклиги, жамиятнинг ташқи инвесторлар ва контрагентлардан олинган пул маблағларининг (депозит, кредит, қарз ва бошқалар) ортиши оқибатида жамият мажбуриятларини тўла бажара олмаслиги билан боғлиқ хатарлар.

Жумладан, жамият фаолияти юзасидан молиявий хавф-хатарларга қуйидагилар киради:

- кредит хавф-хатари – мижозларга берилган кредитларни шартнома шартларига мувофиқ мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслиги ва/ёки лозим даража бажармаслиги, мижоз тўлов қобилияти пасайиши;

- бозор хавф-хатари – молия бозоридаги нархларнинг (белгиланган кредит фоизларининг) салбий томонга ўзгариши ёки бошқа контрагентларнинг бозордаги улушининг ортиши;

- ликвидлик хавф-хатари – жамият молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажара олмаслиги ёки лозим даражада бажара олмаслиги, активлар реализация қилиш жараёнида жамиятнинг ликвидлик даражаси пасайиши, мижозлар ва инвесторлар олдидаги тўлов қобилиятининг пасайиши;

- фоиз ставкаси хавф-хатари – молия бозоридаги фоиз ставкаларининг ноқулай ўзгариши шароитида жамият фоизли активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги номутаносиблиги, соф фоизли даромад ва/ёки капиталнинг пасайиши;

- инфляцияни ва хорижий валюта курсларини ўсиши натижасида активларни қадрсизланиши;

- кредит портфели ёки жойлаштирилган активларнинг диверсификация қилинмаслиги.

ҳуқуқий хавф-хатарлар:

Жамият томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тузилган шартномаларга риоя қилинмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги, иш жараёнида ҳуқуқий ҳатоликларга (нотўғри юридик маслаҳат ёки ҳужжатларни нотўғри тузилиши) йўл қўйилиши, ҳуқуқ тизимидаги камчиликлари ёки қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, ҳамкорлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши натижасида жамиятда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ хатарлар.

Ҳуқуқий хавф-хатарларни бошқариш мақсадида жамият томонидан қабул қилинган таваккалчиликнинг стратегик мақсадларга мувофиқ мақбул даражасини ушлаб туришдир. Жамиятга маълум бўлган йўқотишларни камайитириш асосида активлар ва капиталнинг юқори даражада хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифадир.

Жамият ҳуқуқий хавф-хатарларни бошқаришда қуйидагиларни амалга оширади:

- Ҳуқуқий хавф-хатарларни мақбул даражасини аниқлаш ва ўлчаш;

- Ҳуқуқий хавф-хатарларни доимий мониторингини олиб бориш;

- Жамиятнинг молиявий барқарорлигига ва унинг кредиторлари ҳамда инвесторлари манфаатларига таҳдид соладиган юридик хавфни мақбул даражада ушлаб туриш чораларини кўриш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига ва ички ҳужжатларига риоя қилиш;

- Жамият ва ходимларининг ноқонуний ишларда иштирок этиши, шу жумладан жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш соҳаларини назорат қилиш.

операцион хавф-хатарлар:

жамият фаолиятида муҳим бўлган хавф-хатар ҳисобланиб, жамият ходимларининг қасддан ноқонуний ҳаракатлари, учинчи шахслар томонидан жамиятга нисбатан қилинган салбий таъсирлар, жамиятнинг ички тизимларидаги технологик нозослик, ахборот ва бошқа ташқи тизимларга қилинган ҳужумлар йиғиндиси.

Жамият фаолиятида қуйидаги операцион хавф-хатарларни назорат қилади:

- Жамият манфаатига қарши қаратилган тасодифий ёки қасддан қилинган ҳаракатлар, шу жумладан жамиятнинг қонун талабларига ва ички меъёрий талабларига риоя қилмаслиги юзасидан;

- Жамият ташкилий тузилмаси номукамаллиги, шунингдек жамият бўлимлари ва ходимларининг вазифаларини тўғри тақсимланмаслиги юзасидан;

- Жамиятнинг ички тизимлари, жараёнлари, ахборот технологиялари, ходимлар ҳаракатларида йўл қўйилган хатоликлар ёки ташқи табиий жараёнлар, шу жумладан табиий офатлар, натижасида жамиятда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ хатарлар.

жамият қимматли қўғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун муҳим деб билган бошқа хавф-хатарлар:

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жамият қимматли қўғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун муҳим деб билган бошқа хавф-хатарлар мавжуд эмас.

37. Хатарларни бошқаришда жамият сиёсати тўғрисидаги маълумотлар.

Хатарларни бошқаришда жамият сиёсатида, берилаётган кредитларни қуйидаги мезонларига асосан бошқарилади:

- Берилаётган кредитлар муддатлари бўйича;
- Берилаётган кредитнинг мақсадлари бўйича;
- Берилаётган кредитни қамраб олиш майдонлари бўйича;
- Берилаётган кредитнинг таъминоти бўйича.

Бундан ташқари, жамиятнинг хатарларни бошқаришда кредит сиёсатида кредитлашга ваколат лимитлари ўрнатилган.

Ваколат даражаси	Бир кредит олувчи мижоз учун белгиланган кредит лимити	Аффилланган шахсларга ва ўзаро аффилланган шахслар гуруҳига белгиланган кредит лимити
Иштирокчилар умумий йиғилиши	Микдори 300 млн. сўмдан ортиқ ва жамият активларининг 10% гача бўлган барча кредитлар	Жамият активларининг 10% гача бўлган барча кредитлар
Жамият Кредит қўмитаси	Микдори 300 млн. сўмгача бўлган барча кредитлар	-
Жамият филиали Кредит комиссияси	Микдори 50 млн. сўмгача бўлган барча кредитлар	-

38. Жамиятнинг устав капитали тўғрисидаги маълумотлар.

уставга кўра устав капитали ҳажми, сўмда: 16 428 755 000 (ўн олти миллиард тўрт юз йигирма саккиз миллион етти юз элик беш минг)

ҳисоб баланси бўйича устав капитали ҳажми, сўмда: 16 428 755 000 (ўн олти миллиард тўрт юз йигирма саккиз миллион етти юз элик беш минг)

устав капиталининг тўланган қисми миқдори, сўмда: 16 428 755 000 (ўн олти миллиард тўрт юз йигирма саккиз миллион етти юз элик беш минг)

39. Жамиятнинг ўз капитали тўғрисидаги маълумотлар, сўмда.

2023 йил 1 январ ҳолатига 26 205 512 180,63 (йигирма олти миллиард икки юз беш миллион беш юз ўн икки минг бир юз саксон сўм 63 тийин) сўм.

2024 йил 1 январ ҳолатига 41 444 857 471,20 (қирқ бир миллиард тўрт юз қирқ тўрт миллион саккиз юз эллик етти минг тўрт юз етмиш бир сўм 20 тийин) сўм.

2025 йил 1 январ ҳолатига 61 474 743 040 (олтмиш бир миллиард тўрт юз етмиш тўрт миллион етти юз қирқ уч минг қирқ сўм 00 тийин) сўм.

2025 йил 1 июль ҳолатига 80 966 782 270 (саксон миллиард тўққиз юз олтмиш олти миллион етти юз саксон икки минг икки юз етмиш сўм 00 тийин) сўм.

40. Захира фонди тўғрисидаги маълумот.

Захира фондининг устав бўйича миқдори: устав капиталининг 15 фоизи;

Қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага захира фондининг асл миқдори: 2 464 313,25 минг сўм, бу устав капиталининг 15 фоизини ташкил қилади;

Захира фонди ҳар йилги соф фойданинг 5 фоизини йўналтириш орқали шакллантирилади (тўлдирилади).

41. Асосий молиявий кўрсаткичлар.

2022 йил якуни бўйича:

Тўлов қобилияти (қоплаш) коэффициенти – 2,31;

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти – 0,19;

Харажатлар ва активларнинг рентабеллик коэффициенти – 2,51;

Активлар рентабеллиги коэффициенти – 15,0;

Ўз маблағлари ва жорий қарз маблағлари нисбати коэффициенти – 2,31.

2023 йил якуни бўйича:

Тўлов қобилияти (қоплаш) коэффициенти – 13,45;

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти – 0,53;

Харажатлар ва активларнинг рентабеллик коэффициенти – 1,35;

Активлар рентабеллиги коэффициенти – 0,79;

Ўз маблағлари ва жорий қарз маблағлари нисбати коэффициенти – 2,46.

2024 йил якуни бўйича:

Тўлов қобилияти (қоплаш) коэффициенти – 1,75;

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти – 3,79;

Харажатлар ва активларнинг рентабеллик коэффициенти – 0,85;

Активлар рентабеллиги коэффициенти – 0,23;

Ўз маблағлари ва жорий қарз маблағлари нисбати коэффициенти – 1,07.

2025 йил 1 июль ҳолатига:

Тўлов қобилияти (қоплаш) коэффициенти – 1,85;

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти – 4,05;

Харажатлар ва активларнинг рентабеллик коэффициенти – 1,00;

Активлар рентабеллиги коэффициенти – 0,13;

Ўз маблағлари ва жорий қарз маблағлари нисбати коэффициенти – 1,12.

42. Жамиятнинг ҳисоб юритиш сиёсати ҳақидаги маълумотлар.

Жамиятда ҳисоб сиёсати жамият иштирокчисининг 2021 йил 30 декабрдаги 164-сонли Қарорига асосан тасдиқланган “Ҳисоб сиёсати”га кўра амалга оширилади.

43. Сўнгги 3 тугалланган молиявий йил учун даромаддан фойдаланиш асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар, минг сўм.

Даромаддан фойдаланиш асосий йўналишлари	2022 йил якуни бўйича	2023 йил якуни бўйича	2024 йил якуни бўйича
Захира фонди	1 000 000	686 966	105 000,00
Устав капиталини кўпайтириш	845 053	543 755	700 000,00
Олинган дивидендлар	7 909 789	7 918 947	13 954 947,37

44. Мазкур Рисола тасдиқланган кунгача сўнгги йил учун аффилиланган шахслар билан тузилган йирик битимлар тўғрисидаги маълумотлар.

Мазкур Рисола тасдиқланган кунгача сўнгги йил учун аффилиланган шахслар билан йирик битимлар тузилмаган.

45. Жамият активлари умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган активлар, ҳар бир активнинг тегишли баланс қиймати кўрсатилади.

Барча активлар қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган активлар мавжуд эмас.

46. Жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги дебиторлик қарзи.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқланган кунга қадар, жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги дебиторлик қарзи мавжуд эмас.

47. Жамиятнинг асосий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва жамият мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи.

2025 йилнинг 1 июл ҳолатига:

"Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки Ўрта бизнес марказидан 15 685 607,85 минг сўм кредиторлик қарздорлик мавжуд.

минг сўм

	Сўндириш муддатлари			
	2025 й. III чорак	2025 й. IV чорак	2026 й.	2027 й.
"Leader Finance Capital" МСНДдан олинган қарз бўйича				
3	0,00	0,00	500 000,00	0,00
33	0,00	950 000,00	0,00	0,00
Жами	0,00	950 000,00	500 000,00	0,00
"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки				
26	1 000 000,0	1 000 000,0	4 000 000,0	3 333 333,34
Жами	1 000 000,0	1 000 000,0	4 000 000,0	3 333 333,34
"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Ўрта бизнес марказидан олинган кредит бўйича				
68	800 000,0	800 000,0	2 400 000,0	0,00
114	44 400,0	133 200,0	488 400,0	0,00
145	0,00	2 000 000,0	2 000 000,0	0,00
444	1 764 705,88	588 235,3	0,00	0,00
1018	2 000 000,0	2 000 000,0	666 666,66	0,00
Жами	4 609 105,89	5 521 435,3	5 555 066,66	0,00
"Халқ банки" АТБ Яшнобод филиалидан олинган кредит бўйича				
20	1 000 000,0	333 333,34	0,00	0,00
60	454 545,45	681 818,18	2 727 272,72	1 136 363,64
Жами	1 454 545,45	1 015 151,52	2 727 272,72	1 136 363,64
"Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" АЖдан олинган кредит бўйича				
MGD-1/2025	16 666,67	16 666,67	44 444,44	0,00
ТРК-4/2024	882 000,00	882 000,00	3 528 000,00	2 797 000,0
ЖАМИ	898 666,67	898 666,67	3 572 444,44	2 797 000,0
Жами кредитор қарздорлик	9 412 318,00	8 435 253,48	15 854 783,82	7 266 696,98

48. Жамият томонидан асосий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, жамият мажбуриятларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи.

Жамият томонидан асосий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, жамият мажбуриятларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи мавжуд эмас.

49. Сўндирилмаган кредитлар (қарзлар) тўғрисидаги маълумотлар.

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкидан, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Ўрта бизнес марказидан, “Халқ банки” АТБнинг Яшнобод филиалидан, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖдан, "Leader Finance Capital" МСНҲдан олинган кредитлари (қарзлари) бўйича маълумот

минг сўм

№	Кредит шартнома рақами	Шартнома суммаси	Фоииз ставкаси %	Муддат	Шартнома санаси	Қайтариш санаси	2024 йил 1 сентябр ҳолатига қолдиқ
1	444	10 000 000,0	27%	18 ой	01.05.2024	03.11.2025	2 352 941,18
2	20	5 000 000,0	24%	36 ой	14.05.2024	13.05.2027	1 333 333,34
3	1018	10 000 000,0	27%	18 ой	29.07.2024	30.01.2026	4 666 666,66
4	3	1 000 000,0	26%	36 ой	14.04.2023	14.04.2026	500 000,00
5	26	10 000 000,0	27%	36 ой	18.10.2024	10.10.2027	9 333 333,33
6	33	1 000 000,0	26%	10 ой	04.02.2025	31.12.2025	950 000,00
7	114	666 000,0	27%	18 ой	06.05.2025	05.11.2026	666 000,00
8	60	5 000 000,0	25%	23 ой	02.05.2025	01.05.2027	5 000 000,00
9	ГРК-4/2024	10 000 000,0	25%	36 ой	06.09.2024	10.09.2027	8 089 000,00
10	145	6 000 000,0	26%	12 ой	10.06.2025	09.06.2026	4 000 000,00
11	MGD-1/2025	100 000,0	18%	12 ой	03.03.2025	03.03.2026	77 777,78
12	68	4 000 000,0	27%	18 ой	01.04.2025	30.09.2026	4 000 000,00
	Жами	62 766 000,0					40 969 052,29

50. Солиқ тўловлари бўйича муддати ўтиб кетган қарз миқдори, сўмда.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқланган кунга қадар, жамиятнинг солиқ тўловлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликлари мавжуд эмас.

51. Активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган жамиятнинг инвестициялари тўғрисидаги маълумотлар.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқланган кунга қадар, жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган жамият инвестициялари мавжуд эмас.

6-боб. Яқуний қондалар

52. Мазкур Рисола нусхалари ва асл нусхаси билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисида маълумот.

Жамиятнинг корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги Қарор ва Эмиссия рисоласининг асли нусхаси билан 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Боткина кўчаси, 8А-уй манзилида, ҳафтанинг иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача бўлган вақт давомида танишиш мумкин.

53. Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши шартлари жойлаштириладиган ахборот-маълумот тизимлари, даврий нашрлар манзиллари ва номлари.

Мазкур облигацияларни чиқарилиши билан боғлиқ ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда Корпоратив ахборот ягона порталида: (www.openinfo.uz), “Тошкент” РФБнинг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz) ҳамда жамиятнинг расмий веб сайтида (www.bizfin.uz) ошкор қилинади.

54. Жамият қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жамиятнинг фикрига кўра ошкор этилиши зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Мазкур рисола бандларида жамият тўғрисидаги барча зарур маълумотлар ошкор этилган.